



Қирғизларнинг каттаси Шобдон ботир



Бу киши эса киргизлар ичида ота-боболаридан бери эл сўраб, юрт кутиб келган Шодмон [Шобдон] ботир Жонтой ботир ўгли, Корабек ботир ўгли, Отока ботир ўгли, Тиной ботир ўгли бўлиб, тўккиз ота-боболарига эл устида ўтган, ўз замонасида козок-киргиз хони аталаган зўр манолардан эди. Отамиз мархум билан дўстлик алоқаси бўлганликдан ўзи билан ҳаётлигида кўришиб, хизматида ҳам бўлган эдим. Инсониятта ёкимлик яхши хислатларнинг кўпига эга эди. Оллоҳ раҳмат қилсин, киши хайрон қолгудек даражада анинг қилган баҳодирликларини шу кунга доғир қирғиз қариялари қизғинлик билан ўзаро дoston қиладилар. Ўзим кўргандай эшитганларимдан бир-икковини эсдалик учун бу ўринда ёзиб қолдиришни лойиқ қўрдим.

Маълум бўлғайки, Ботир хожининг илгаридан бери ерлаб келган қишлоқ жойларини Чўнг Кемин, Кичик Кемин деб атайдилар. Булар Тиёншон тоғларининг қалин тармоқлари орасида жойлашган бўлиб, Кичик Кеминни Ботир хожим қишлоқ тутмиш эди. Ўз даврида Эдикут эли, Боласогун ўлкасини сугориб қондирган Чуй дарёсининг ярим қисми шу қишлоқ ўртасидан оқиб туради. Бу сув тошқин вақтларида от-улоғ билан ўтишга қечик бермайди. Сувнинг қелиш томони юқбри бўлганликдан тез оқарлиги устига сув ости қўрум(Катта ва бесўнақай; бахайбат.) тошлари билан тўлиқдир. Бундай сувдан қечиқ ўтиш қўп хатарлик бўлур. Мана шундай тошқин қунлари сув хайкириб оқаётганида мол боқиб юрган бир қирғиз чоли оқиб қетиб, жон талвасаси билан сув ўртасида кўриниб турган бир йўгон тош устига чиқиб олмиш эди. Шу атрофдаги қирғиз йигитларидан ҳеч бир киши уни бу ҳалокатлик қонхўр сув оғзидан қутқариб олиб чиқишга журъат

килолмагач, ботир Шодмон кўлидан келмаган иш йўк, Хизр назар килган киши деб ишонган киргизлар бу дахшатлик хабарни унга билдирадилар. Буни англаши билан човутга турган йўлбарсдай, турки бузилиб, ўнгги ўзгариб: - Хой аттанг, замон бизга ёмон болларин колдиргон экан. Торт тўрайгир отимни! - деб хайкирмишдир. Болалик кунидан тортиб бир айтган сўзидан кайтмаслигини билган хизматчи тобунлари иложсиз қолиб, у айтган отни келтиришга мажбур бўлганлар. Шу орада чўнг кишилардан ўзининг тенг-тушлари келишиб қолиб: - Хой ботир, тилсиз ёвга қарши чикиб, ботирлик қилиш қандай бўлур экан? Кўпчилик эл йигила бошқа бир чорасини қилар эдик, - дейишиб ҳар қанча ёлворишса ҳам қарамай, отланиб сув томонга қараб жўнайди. Буни кўргач нима қилишларини билишолмай, ё уни бу ишдан қайтариб бўлмай, бутун халқ кўркинчга тушиб хайронликда қолибдилар. Муқуш, Қамол деган атоғлик ўғилларининг онаси, унинг олдида энг суюмлик, эл ичида қадри улуг Шоқа байбича деган хотини йиглаб-ёлвориб: - Хой ботир, бу ишни кўйинг, сиздан сўрадим, - деб от остига ўзини ташлаганига қарамай, “атеке”, “урра”ни қичкирганича сув юқориси томон от қўймишдир. Бундай дахшатлик хабар тарқалиши билан ҳар ёқдан от қопишиб келган киргизлар сув бўйларида тўпланишиб, хайронлик ҳолда қарашиб турган эдилар. Кўриб турган кишиларнинг айтишларича, шундайин дахшатлик, ўлим ҳатарлик, тилсиз ёв устига келганида яна баҳодирлиги билиниб, ўзида ҳеч қандай ўзгариш сезилмаган эди. Балки ўзини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Оллоҳдан паноҳ тилаган кўзсиз, тилсиз сув балоси(Бухорий, 14/6297 да зикр этилганларга асосланган ифодадир.) олдида турганини кўриб, бу қаби дахшатлик қора аждарҳо оғзига тушган бир бечорани қутқаришга ҳиммат қилганини билгач, ўз тилича “Оғурий, қўлдай қўр”(Эй Худо, қўллаб юбор! (киргизча)) наърасини тортганича сув ўртаси тош устида бақадек чаплашиб ётган қолни мўлжаллаб анчагина юқоридан “Оллоҳ!” деб от солмишдир. Уйлардек ўрқачлаб қўпириб ётган дахшатлик тўлкинлар ичида белидан ботганича тошдан-тошга урилиб-сурилиб “оғурий”лаб келаётган Ботир ҳожига сув бўйида қарашиб турган қалин халқнинг қўзлари тушгач, “Оҳдо ўзинг сактай қўр!” деб қичкирган товушлари қўққа қўтарилмиш эди. Уй-оила жонқуярлари ҳар ёқдан “оғурий” деб қичқирар эдилар. Шундай хайбатли дахшатлик сув ичида жон ҳовучлаган ҳолда чаплашиб ётган қала ўлик қол устига яна қелиб, “Жонинг бўлса, узат қўлингни!” деб қаттиқ қичкирган бўлса ҳам эси окканлигидан қўл узатолмагач, ботир қўлига илинишмай ўқдек оқаётган сув сирпондисини билан ўтиб кетмишдир. Буни кўрган бутун халқ сурон солишиб: - Энди иш тугади, баҳодирликўз чекидан ўтди. Сиздай киши бизга қайдан топилади? Бундай қолларнинг неча минглари сизнинг бир тол тирногингизга тенг келмайди, - деб қичқиришган бўлсалар ҳам буларга қараб қўймай, сувдан чиқиши билан яна “Оллоҳ” садосини қўтариб иккинчи йўли сувга кирганида, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам “Баҳодирларни Оллоҳ дўст тутгай, тилақларини Худо қайтармагай, ҳар ишда қидамлик- саботликлар мақсадларига етгайлар” деганлардек, Оллоҳ ёрдами етди бўлгайким, ул қалажон қолни ули оғзидан қутқариб от олдига ўнгарганича бу қаби дахшатлик сувдан саломат чиқмишдир. Яна бир қуни оқ ўрқовда қўрдошлари билан қимиз ичишиб ўлтириб экан, йироқдан чиққан шовқин-сурон товуши эшитилмишдир. - Бу нима экан? - деб сўраса:- Хой ботир, сув ёқасидаги қалин қирганок(Бутасимон тиканли ўсимлик, мевасини қирговулар яхши қўради.) ичида бир йўлбарс ётганлигини эл билишиб қолиб, мерганлари билан келган кўпчилик халқ уни ётган еридан қўзғаб очикка чиқаролмай ётадилар, - деганларида: - Хой, кўпчилик ҳеч иш қила олмайди, ҳар вақт халқ ортида турган баҳодир, етук бир киши қўп иш қила олади, - деб йўртовул қунаридаги қийим-бошларини қийиб, қилич осинган

холда отланмишдир. Бу ўринда кирган ишидан кайтмаслиги эл ичида маълум бўлганликдан кайтариш тўғрисида ҳеч ким оғиз очмаган эди. Шундок ҳам бўлса ер усти хайвонлари ичида оти улуг, хайбати зўр, чангали дахшатлик йирткич йўлбарсга тўқнашувни ўйлашиб,-кўзотар мерган иниси Момут ён йўлдоши бўлмишдир. Шу юрганича эргашган томошачи кишилар биргаликда кўпчилик халк ўрашиб олган калин чирганок якинига келганида: - Хой жонивор, сен хайвондан чиққан йулбарс бўлсанг, мен инсондан чиққан арслонман, - деб яраклаган яланг киличи билан устига отилмиш экан. Ботир хужумига йўлбарс чидаёлмай, ётган еридан кочиби чиқаётганида иниси Момут отган ўқдан каттик яраланмишди. Буни кўргач: - Хой, ёғий энди яраланди, яраланган ёвни хотин олгай, - деб уйига кайтмишдир.Учинчи воқеа хаж сафарига кетаётганида мазорларни зиёрат қилмоқчи бўлиб, Самаркандга тушмиш экан. Амир Темури кабрига кирганида караса, саёҳат учун келган рус зобит (офицер)ларидан бирови Темури султон кабрига оёғини тираб хат ёзаётганини кўрмишдир. Буни кўргач, баходирлиги кўзгалиб: - Хой, бутинг(Оёк (чиг.туркча).) кесилгур жунбош, ер кадрили билмаган, торт оёгингни! - деб хайкирмиш экан. Кўрканидан сачраб туриб, кечирим сўрамишдир.Болалик кунларидан бошлаб баходирнинг шу каби киши хайрон коларлик ишлари жуда кўпдир. Бунинг баходирлиги, сахийлиги устидан бошқа эмас, ўзим кўрган ва билганларимни ёзар эканмен, ўз олдига бир китобча бўлиши мумкиндир.Инсон яхшилиги кўмилиб кетмасин, Худо хуш кўрган фазилат бўлган турк улусининг баходирлигидан келажак бўғимларимизга ўрнак бўлиб, ибрат олгудек сўзларни бу ўринда келтирдим.Байт:

Тилим турк халкига кўп офарин қил,
На янглиг мактасанг оздир, аниқ, бил.
Яраш чоғида меҳмондек ўтиргай,
Уруш кунларида арслондек отилгай.

Алихонтўра Соғунийнинг
"Туркистон кайғуси" китобидан